

Нилуфар Аъзамова

ВАТАН МАВҶИ

Шеърлар

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

84(5Ў)6

A94

Аъзамова, Нилуфар.

Ватан мадҳи: шеърлар / Н. Аъзамова. - Т.:
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти, 2010. – 20 б.

ББК 84(5Ў)6

ISBN-978-9943-06-263-4

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.



*Отам Маҳмуджон Аъзам ўғлининг
порлоқ хотирасига бағишлайман.
Муаллиф*

ЮРТБОШИМ, СИЗГА ТАЪЗИМ

Она халқим иқболи учун,
Юртим Истиқдоли учун,
Ёш авлод камоли учун,
Юртбошим, Сизга таъзим.

Келажакни аён кўрган,
Халқимиз ҳолини сўрган,
Диёрим дея қайғурган
Юртбошим, Сизга таъзим.

Истиқболни нурафшон этган,
Тараққиёт йўлини кенгайтган,
Ўфил-қизлар бахтидан айтган
Юртбошим, Сизга таъзим.



ЗУЛФИЯХОНИМ

Халқимнинг порлоқ, ёрқин юдузи,
Шеърият мулкин залворли сўзи,
Юрак қўрида эҳтиром ҳисси
Ўзингиз, устоз Зулфияхоним!

Туйғуларин шеърларда битган,
Халқ ишқидан қўшиқлар айтган,
Мағрур туриб олға интилган
Ўзингиз, устоз Зулфияхоним!

Сизга ҳавас қилар қизингиз,
Шеъриятдан излар изингиз,
Қалблардадир мудом исмингиз,
Ўзингиз, устоз Зулфияхоним!



ТОШКЕНТИМ

Бир гулингман, мўътабар шаҳрим,
Қучоғингда очилар баҳрим.
Ўзингдирсан ғурурим, фаҳрим,
Улуғимсан, сен-она шаҳрим!

Жамолингга боқиб тўймайман,
Номингни ҳеч тилдан қўймайман.
Тимсолингга кўриб бахтимни,
Алёр айтиб, сени куйлайман.



АЗИМ КЕНТИМГА ҚУТЛОВ

Тарихинг теран, кўҳна шаҳрим — Тошкентим.
Аждодлардан меросдир фаҳрим — Тошкентим.
Муборак бўлсин қутлуғ 2200 ёш,
Осмонингда порласин мангу қуёш!

Истиқлолим бахш этган
Кўрку чирой, тароватинг муборак.
Бахтингдан дарак етган,
Олам узра юксак қаддинг муборак.



ВАТАН МАДҲИ

Ажиб сирли дунёга боқиб мафтун,
Дилимда туйдим шеърият илҳомин.
Тилимда янгротиб Ватаним мадҳин,
Юрагим қатига муҳрадим номин.

Жажжи қалба орзуларим улкан,
Сўнмас бўлиб яшайди дардларим.
Гоҳида тошиб ҳисларим дилдан,
Ичдан қуйилиб келар байтларим.

Қўлга олсам мен қаламимни,
Кўзларим қоғозга бўлганда асир,
Фаҳрим, ифтихорим — қалб оламимни —
Ватаним васлин этгумдир мен тасвир.



ЎЗБЕКИСТОН

Сен менинг қадрдоним, тилимда достон,
Тупроғинг бизларга муқаддас макон.
Мадҳиянг қалбларда абадий нишон,
Барчадан буюксан, эй Ўзбекистон.

Сени тилга олгум гурурл-а жўшиб,
Ҳар қаерда бўлмай меҳрингни туйиб,
Аждодлар қолдирган тарихин суйиб,
Қўшиқда мадҳингни куйлайман жўшиб!

ЎЗБЕК ҚИЗИ

Лобардир ўзбек қизи,
Ҳаёсидан гул юзи.
Андишали ҳар сўзи,
Анор — юзи қирмизи.



ИЛҲОМ

Шамол каби елиб келади,
Мўъжизалар тилаб келади,
Ҳаёлимни чулғаб келади,
Шундай келар шеъримга илҳом!

Бирни кўриб фикр юритганда,
Қалбимга жим қулоқ тутганда.
Юрт шонин буюк битганда,
Шундай келар шеъримга илҳом!

Қаҳрабо рангга бурканди олам,
Юлдуздек тўкилди ерга хазон.
Болалар қувончи, шодлиги билан,
Ортда қолди, кузатди саратон.

Шамол ҳам эринмай, тебранар тинмай,
Ерда куй мисоли шивирлар япроқ,
Гоҳида қовоғин уйган булутлар
Хабар бергандек қорлардан оппоқ!



КАМАЛАК

Ёғиб тингач ёмғирой,
Бор дунё очди чирой.
Жилмайди Қуёш бобо,
Бир майин эсди Сабо.

Қаранг, кўқда ярқираб,
Бир ажиб етти рангда
Товланиб, яшнаб қараб
Камалак чиқди тонгда.

МЕНИ ОЛИБ КЕТ

Кўзлар кўзга бўлар нигорон,
Қалбда ёнар шафқатсиз ҳижрон.
Муҳаббатдир бизга имтиҳон,
Юрагингда мени олиб кет.

Ёлғиз бедор тунларим билан,
Шеърга сирдош кунларим билан,
Қалбда ёнган мунгларим билан
Юрагингда мени олиб кет.



ЎЗБЕК ОНАСИ

Ўзбек номин олганда тилга,
Қалбимда янграйди ўзбек алласи.
Уни жўшиб солганда дилга,
Кўз ўнгимга келар ўзбек онаси.

Ўғли кетса узоқ сафарга,
Аллоҳдан сўраб унга самара,
Кўзлари бўлиб йўлида нигорон,
Кутар уни бедора, интизора.

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Ота-онанг сўзин қолдирма ерда,
Довюррак бўл, юртингни сотма!
Улғайгин, вояга ет бу умрда,
Эй фарзанд, бурчингни асло унутма!

Улғаярсан бир кун, албат, жўш уриб,
Ҳаётда ўз йўлинг топ, беғам ўтма!
Эл корига ярагин доим шай туриб,
Эй фарзанд, бурчингни асло унутма!



СЕНИ СЕВАМАН

Неча бор йиғлатиб, куйдиргач, сенинг,
Ортингдан соядай термулиб қолдим.
Ўртанаман, ўзга чорам йўқ менинг,
Сени севишимни айтолмадим жим.

Қалбим тубларидан чиққан нидолар,
Сенга ҳеч эшитилмас, қилсам-да фарёд.
Шаршара — оққан кўз ёшлар ва «дод»лар
Асос бўлар эди, сени қилишдан ёд.

Сени соғинаман ҳар кун, ҳар оқшом,
Ҳаёлга кетарман, бўлиб нигорон.
Суратинг қалбимда абадий нишон,
Мен сени севаман ҳамон, сен ишон.



СЕНГА ТАСАННО

Гоҳи алам, гоҳи қайғу-дардларни ютган,
Душманга ҳеч қачон бошини эрмаган.
Тарихда не синоатларни кўрмаган,
Тасанно, дерман сенга, она Юртим!

Бағрингда Темурдек марду майдонларинг бор,
Осмонингда юдузларинг — рахшонларинг бор,
Муқаннаю, Широқдек ўғлонларинг бор,
Тасанно, дерман сенга, она Юртим!

БОЛАЛИК

Дарё тўлқинларидай ўтиб кетди болалик,
Қани ўша шўхлигим, қайга кетди эркалик?
Сени ёдга оламан, ҳар нафасда, ҳар он тек,
Эслайман табассум-ла, маъюс-маъюс лек.

Сенсан менинг қувончим, менинг ширин ўйларим,
Ҳаётимга нур бўлган, порлоқ бир келажагим.
Беғуборлик асоси бўлса умр ғамдан нари,
Дейман, шунда ҳаётим мазмуни кулажагим.



ОНАЛАР

Сизлар — бу жаҳонни тутиб турган,
Боласин оқ ювиб, оқ тараган.
Болам, деб тунни тонгга улаган,
Сиз мўътабар зот, азиз оналар!

Сизлар — бу дунёнинг порлоқ юлдузи,
Айтинг-чи, онадан ким устун ўзи?
Она бор ҳаётда - маъно ҳам бордир,
Онасиз кўзларга - кенг дунё тордир.

Оналар кўзига солингиз назар,
Чақнаган кўзларда меҳрлар тошар.
Дунё тургунича туринг, оналар,
Сиз борсизки, ҳаёт гўзал кўринар.



ОТАМНИ ЭСЛАБ

Кўзларимга тор бўлди жаҳон,
Ер қаттиғ-у, йироқдир осмон.
Сиз ўтган кун қалбимда армон,
Соғинч ҳисси қалбда яшар, Ота !

Баҳор фасли келганда ногоҳ,
Сизни ғам-ла ёдга оламан.
Сизсиз яшамоқ оғир жуда, оҳ!
Меҳрингизни қўмсаб қоламан...



УСТОЗИМ

Онадай меҳрибон, ғамхўримсиз,
Ҳар ишда мададкор, суянч тоғим.
Отадек улуғ, онамдек азиз,
Бағри кенг, меҳри дарё устозим!

Айлайман мен сизга чуқур таъзим — соз,
Пойингизга гуллар тўшасам-да оз,
Меҳрим-ла эъзозлаб севсам-да оз,
Мўтабар инсоним, Улуғ устоз !



СИНФОШИМ

Бугун Дониёр дарсда
Икки баҳо олибди.
Уялмасдан у яна,
Бозорда эдим, дебди.
Синфдоши Аброржон,
Тилга кириб устозга:
Устоз нега уришдингиз?
У, паттачи - бозорда —
Дебди. Қизариб Дониёр,
Ерга кириб кетгудай,
Бўлибди жуда изза,
Гўё қочиб кетмоққа шай.
Устоз дебди:
Уддалаб аввал ўқишни,
Қилгил сўнг бошқа ишни...

ФАХРЛАНУРМАН

Яшаймиз шу гўзал заминда,
Яйраб боғу чаманда, бунда.
Тупроқлари кўзимизга тўтиё,
Сеғурмиз Ватанни — бўлиб маҳдиё.

Жаҳонга юз тутган буюк халқим,
Темур бобом курашган ҳақим.
Эл учун фидокор аждодларимдан,
Бир умрга фахрланурман.

Муқаддас юртим деб куйдирган жонин,
Доим кўз-кўзлаган халқимиз шонин,
Юртим деганини эслаб қонурман,
Ислом бобо, Сиз билан фахрланурман.

МУНДАРИЖА

Юртбошим, сизга таъзим.....	3
Зулфияхоним.....	4
Тошкентим.....	5
Азим кентимга қутлов.....	6
Ватан мадҳи.....	7
Ўзбекистон.....	8
Ўзбек қизи.....	8
Илҳом.....	9
Камалак.....	10
Мени олиб кет.....	10
Ўзбек онаси.....	11
Фарзандлик бурчи.....	11
Сени севаман.....	12
Сенга тасанно.....	13
Болалик.....	13
Оналар.....	14
Отамни эслаб.....	15
Устозим.....	16
Синфдошим.....	17
Фахрланурман.....	18

ВАТАН МАВҶИ

Шеърлар

Муҳаррир: Шукур Қурбон
Техник муҳаррир: Аслиддин Жўраев
Саҳифаловчи: Акмал Жўрабоев

Босишга рухсат этилди 12. 01,2010 йил.
Бичими 84x108.^{1/32} Ҳажми 1,5 ш.б.т
Адади 300 нусха. Буюртма № 218.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 33 уй.